

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1 / I 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гулнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

**Ўзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

БАСЛАЎҲИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Mardonov Sh.Q., Abdullayev A.A. Maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab hamkorligi	4
Mahmudova D.B. Maktabgacha ta'limda qo'llaniladigan o'yinlar va ularni tashkil etish metodikasi	8
Shanasirova Z.Yu. Xalq og'zaki ijodi namunalari vositasida maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash hamda nutqini rivojlantirish	13
Abdullayeva M.Dj. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning estetik rivojlanishidagi o'ziga xos xususiyatlar	17
Narimbayeva L.K. Maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda xalq og'zaki ijodi namunalariidan foydalanishning ahamiyati	20
Nosirova R.X. Maktabgacha ta'lim muassasalarida musiqa ta'limi va tarbiyasining mohiyati ..	22
Xolmatova S.K. Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya berishda Sharq mutafakkirlari fikrlaridan foydalanish ahamiyati	26
Maripova N.H. Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya	28
Sanakulova A.R. Maktabgacha ta'lim muassasalari rahbarlarida huquqiy tarbiyani rivojlantirish	31
Teshabayeva Z.S. Maktabgacha ta'lim muassasalarida ekologik tarbiya maqsadi	34
Nasirova Z.X. O'yin turlari: ijodiy o'yinlar, qoidali o'yinlar, milliy o'yinlarning o'ziga xos xususiyatlari	38
Shanasirova Z.Yu. Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashning ahamiyati	43
Jo'raboyev A.B. Maktabgacha ta'lim tizimida ma'naviy qadriyatlarini singdirish amaliyoti	48
Abdullayev A.A. Maktabgacha ta'lim muassasalarida rahbarlik qilish va tashkil etishning zamonaviy usullari	51
Achilova M.S. Maktabgacha ta'lim muassasalarida estetik tarbiyaning mazmuni	55
Ochilov F.I., Xusanova N.B. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida kasbiy pedagogik kompetentsiyalarni shakllantirish talablari	58
Narimbetova Z.A., Asqarova N.J. Boshlang'ich sinf matematika darslarida didaktik o'yinlarning ahamiyati	62
G'ulomova X. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida maqollar estetikasi	67
Умарова З.А. Бошланғич таълимда педагогик жараён	70
Жабборова О.М., Сайидғаниева З.С. Бошланғич таълим педагогикаси: мазмун ва моҳият	74
Quzmanova G.B., Ergasheva M.E. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ota-onalar yig'ilishini samarali tashkil etish	78
Мамадалиев К.Р. Бошланғич таълим йўналиши ўқув фанлари тузилмаси ва замонавий ўқув адабиётларини яратиш принциплари	80
Тожибоева Г.Р., Крымская Э. Проблемы развития творческих способностей в процессе становления будущего учителя начальных классов	86

ТИЛ ҲАМ ӘДЭБИЯТ

Матчинов С., Холикулова Ф. Ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини шакллантиришда матнинг лингводидактик таҳлили	91
Шерматова У.С., Жабборова О.М. Самостоятельное чтение и интерпретация правды жизни	95

3. Миронов В. Век образования. – М.: “Педагогика”. 1990.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бошланғич таълимда педагогик жараён ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается педагогический процесс в начальном образовании и его особенности.

SUMMARY

The article examines the pedagogical process in primary education and its features.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ: МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Жабборова О.М.

Тошкент вилояти ЧДПИ “Бошланғич таълим” кафедраси мудири

Сайидганиева З.С.

Тошкент вилояти ЧДПИ 17/1-гурӯҳ талабаси

Таянч сўзлар: бошланғич, таълим, педагогика, тушунча, методология, замонавийлик, тенденция, билим, кўникма, ёндашув, малака.

Ключевые слова: начальное, образование, педагогика, концепция, методология, современность, направление, знания, умение, подход, умение.

Key words: primary, education, pedagogy, concept, methodology, modernity, direction, knowledge, skill, approach, skill.

Ўзбекистон янги тарққиёти даврида илм-фан ва таълимни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш вазифалари қўйилган. Шу маънода “Бошланғич таълим педагогикаси”ни янгича идрок этиш ва унинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб олиш тақозо этилмоқда.

“Бошланғич таълим педагогикаси” тушунчаси. Ўзбекистонда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс даврида бошланғич таълимнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- бошланғич синф ўқувчиларининг тахлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;
- бошланғич таълимни илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш;
- бошланғич таълим самарадорлигига эришиш.

Мазкур вазифалар олий педагогик таълим жараёнида ўқитилаётган “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграцияси” фанининг мазмунини белгилайди. Унга кўра, мазкур фаннинг мазмуни бошланғич таълим, тарбия ва уни ўқитиш асослари бўйича бўлажак ўқитувчиларга назарий билим, кўникма ҳамда малака беришдан иборат. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- бошланғич таълим тушунчаси қуйидагиларни камраб олади:
- 1) инсон ва жамият қадриятларига асосан 7-11 ёшли ўқувчиларга билим бериш;
- 2) бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш жараёни;
- 3) бошланғич таълимнинг самарасига эришиш;
- 4) бошланғич таълимни яхлит тизим сифатида қабул қилиш.
- бошланғич таълимда тарбия тушунчаси қуйидагиларни ифодалайди:
- 1) бошланғич синф ўқувчиларига инсониятнинг тарбияга оид тажрибасини уза-

тиш;

- 2) бошланғич синф ўқувчиларини маданият ва қадриятлар оламига олиб кириш;
- 3) бошланғич синф ўқувчилари шахсини ривожлантириш;
- 4) бошланғич таълим ўқувчиларини ҳаётнинг мураккаб вазиятлари ва ҳолатларига тайёрлаш.

– бошланғич таълимда ўқитиш тушунчасининг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- 1) бошланғич синф ўқувчиларига билим, ҳаётий тажриба, фаолият кўникмаси бериш ва уларнинг тафакқурини шакллантириш;
- 2) бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малака ҳисларини шакллантириш;
- 3) бошланғич синф ўқувчиларининг хотира, диққат ва фикр юритиш кўникмасини шакллантириш;
- 4) бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш.

Ушбу уч муҳим категориялар тушунча “Бошланғич таълим педагогикаси” фани мазмунини ташкил қилади. Бу фан воситасида ўқитувчи 7-11 ёшли шахсларга дастлабки таълим ва тарбияни беради, уларни ўқиш кўникмасини шакллантиради.

Айни пайтда мазкур фаннинг мазмунига кўра, бошланғич синф ўқувчилари қуйидагиларга амал қилиши шарт:

- 1) ўқиши, яъни бошланғич синф ўқувчилари аниқ маълумотларни ва топшириқларни ўқитувчи ёрдамида синфдошлари билан биргаликда ёки мустақил равишда ўзлаштириши;

2) кузатиш, қиёслаш ва фикрлаш кўникмаларини эгаллаши;

3) ўз фикри ва қарашларини ифода қилиши керак.

Буларнинг барчаси бошланғич таълим педагогикаси мазмунини ташкил қилади.

Бошланғич таълим методологияси. “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграцияси” фани ўзига хос методологик асосларга таянади. Мазкур методологиянинг асосийларини қуйидагилар ташкил этади:

- бошланғич таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- бошланғич таълим назарияси ва амалиёти;
- бошланғич таълимга оид Шарқ ва Ғарб педагогик тажрибалари;
- бошланғич таълимга оид илмий тадқиқотлар.

Ушбу методологик асосларини бўлажак ўқитувчилар аниқ ўзлаштириши лозим.

- бошланғич таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасида бошланғич таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида билим олиш ва касб-хунар эгаллашга оид белгилаб қўйилган ҳуқуқлар;

б) Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги янги Қонуни (2020 йил 23 сентябрь);

в) ягона “Миллий ўқув дастури”;

г) бошланғич таълим давлат стандартлари ва давлат талаблари;

д) бошланғич таълимга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ҳамда Фармойишлари.

- бошланғич таълим назарияси ва амалиёти; Ўзбекистонда бошланғич таълим назарияси ва амалиёти қуйидагиларга асосланади:

а) бошланғич таълимда билим бериш, тарбиялаш ва ўқитиш асослари;

- б) бошланғич таълим бўйича миллий тажриба;
- в) бошланғич таълим бўйича илғор мамлакатларнинг анъаналари;
- г) бошланғич таълим методлари, воситалари ва технологиялари.

Бўлажак ўқитувчилар бошланғич таълимнинг мазкур назарияси ва амалиёти асосларини ўзлаштиришлари тақозо этилади.

- бошланғич таълимга оид Шарқ ва Ғарб педагогик тажрибалари мазкур масала бўйича Шарқ ва Ғарб педагогик тажрибалари ўзига хос тарзда мавжуд. Унга кўра, Шарқ ва Ғарб педагогикаси тажрибалари қуйидаги уйғунликка эга:

- а) 6-7 ёшли ўқувчиларга бепул бошланғич таълим бериш;
- б) бошланғич синф ўқувчиларини билим оламига олиб кириш;
- в) бошланғич синф ўқувчиларини давр ва жамият талаблари асосида тарбиялаш;
- г) бошланғич синф ўқувчиларини кейинги таълим олишга тайёрлаш.

Айни пайтда, Шарқ бошланғич таълим тажрибасида қуйидаги ўзига хосликлар мавжуд:

- Устоз-шогирд анъанасига таяниш;
- бошланғич синф ўқувчиларини жамоавий (ўқитувчилар, мураббийлар, психологлар, мактаб жамоаси ва ота-оналар иштирокида) тарбиялаш;
- бошланғич таълим ўқувчиларини Ўзбекистон шароитида Президент ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқиш учун тайёрлаш;
- бошланғич таълим ўқувчиларини оила ва миллий кадриятлар асосида вояга етказиш.

Ғарб бошланғич таълим тажрибасида қуйидаги ўзига хосликлар мавжуд:

- болага индивидуал ёндашиш;
- боланинг ижодий лаёқатларини шакллантириш;
- болани мустақил фикрлаш ва фаолиятга ўргатиш;
- боланинг касб-хунар негизлари билан дастлабки босқичда таништириш. [4]

Бизнинг ёндашувимизга кўра, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар бошланғич таълимга оид Шарқ ва Ғарб тажрибаларини уйғун ўзлаштириш керак.

- бошланғич таълимга оид илмий тадқиқотлар. Ўзбекистонда бошланғич таълимга оид илмий-тадқиқотлар XX асрдан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори ва Абдулла Авлонийнинг илмий ишланмалари, шунингдек, юзлаб ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари мавжуд. Мазкур илмий тадқиқотларда изчил равишда қуйидаги муаммолар ўрганилиб келинмоқда:

а) бошланғич таълимнинг асослари, функционал вазибалари, методлари ва технологиялари;

б) бошланғич синф ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар ва уларнинг индивидуал методлари, технологияларини оммалаштириш;

в) бошланғич таълимга замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этиш;

г) бошланғич таълим самарадорлигини мониторинг қилиб бориш асослари.

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар бошланғич таълимга оид илмий тадқиқотларнинг ана шу йўналишларини ўзлаштириши тавсия этилади.

Бошланғич таълимнинг замонавий тенденциялари. “Тенденция” тушунчаси латинча бўлиб, анъана, тақомил ва намуна маъноларини англатади. Шу жиҳатдан ҳозирги замон бошланғич таълимининг ўзига хос ва муҳим тенденциялари қуйидагилардан иборат:

- 1) бошланғич таълимга янги ва замонавий технологияларни жорий этиш;

- 2) бошланғич таълимнинг маданий контекстини кучайтириш;
- 3) бошланғич таълимга оид халқларнинг илғор тажрибаларини тадбиқ этиш.

Бошланғич таълимга янги ва замонавий технологияларни жорий этишда компьютер, Интернет тармоғи имкониятларидан оқилона фойдаланиш масаласига асосий эътибор берилмоқда. Бунда технологик таълим асослари кучайиб бормоқда ва айни пайтда, технологик таълим ривожланиш ҳамда шаклланиш жараёнида бўлган бошланғич таълим ўқувчиларининг инсоний, жисмоний ҳамда эстетик туйғуларини технократик тарзда шакллантирмаслиги керак.

Бошланғич таълимнинг маданий контекстини кучайтириш жараёнида

7-11 ёшли ўқувчиларга халқнинг миллий ва оилавий қадриятлари асосида билим бериш, уларнинг ахлоқий ва фаолият қўникмасини умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистонда халқ анъаналари, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, оилапарварлик қабилад миллий қадриятлар, бағрикенглик, демократлик, биродарлик сингарилар умуминсоний қадриятлар ҳисобланади. Шу сабабли бошланғич таълимнинг маданий контекстини кучайтиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланиш тақозо этилади.

Бутун дунёда бошланғич таълимга халқларнинг илғор тажрибаларини тадбиқ этиш тенденцияси давом этмоқда. Унга кўра, муайян халқларнинг бошланғич таълимида эришган ютуқлари ўзга халқлар томонидан қабул қилинмоқда. Мисол учун, Россия Федерациясининг бошланғич таълимидаги халқпарварлик контексти, Финландия қироллигининг бошланғич таълимидаги хусусий таълим контексти ва Ўзбекистон бошланғич таълимидаги дунёвийлик контексти халқаро тажрибалар сифатида эътироф этилади. Зеро, бошланғич таълим педагогикаси мазмуни қуйидагича идрок этилади:



Шундай қилиб, бошланғич таълим педагогикасининг мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилиши керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 24 сентябрь сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 30 декабрь сони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон янги тараққиёти даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // www.Ziyouet.uz. 2020 йил 7 ноябрь.
4. Абдуллаева Б., Уразова М., Вохидова Н. Общая педагогика. – Т.: “Сано-стандарт”. 2017.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич таълим педагогикаси мазмуни ва моҳиятини янгича идрок этиш масалалари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы нового понимания содержания и сущности педагогики начального образования.

SUMMARY

The article analyzes the issues of a new understanding of the content and essence of primary education pedagogy.

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTEBLARIDA OTA-ONALAR YIG'ILISHINI SAMARALI TASHKIL ETISH

Quzmanova G.B.

Toshkent viloyati ChDPI "Boshlang'ich ta'lim" kafedrası o'qituvchisi

Ergasheva M.E.

Toshkent viloyati ChDPI Boshlang'ich ta'lim va sport tarbiyaviy ishi yo'nalishi talabasi

Tayanch so'zlar: o'qituvchi, sinf, rahbar, yig'ilish, ota-ona, o'quvchi, ta'lim, mahalla, oila, shaxs, tarbiya, maktab.

Ключевые слова: учитель, класс, руководитель, встреча, родитель, ученик, образование, соседство, семья, человек, воспитание, школа.

Key words: teacher, class, leader, meeting, parent, student, education, neighborhood, family, person, education, school.

O'qituvchi – insonning bir umrlik yo'lini yorituvchi shaxs. U hayot mash'alini qo'lida tutib turgan, muvaffaqiyatlar gulshani sari eltuvchi ajib bir nur.

O'quvchilarning har tomonlama rivojlanishida sinf rahbarining tarbiyaviy ishlari muhim ahamiyat kasb etadi. Sinfda tarbiyaviy ishlarni yo'lga qo'yuvchi, o'quvchilarning tarbiyachisi va murabbiysiga sinf rahbar deyiladi. Shu nuqtai nazardan, har bir o'qituvchi sinf rahbar hisoblanadi.

Sinf rahbar faoliyati, odatda, sinf o'quvchilarini alohida-alohida o'rganishdan boshlanadi. Sinf rahbari o'quvchilarni o'rganishda quyidagilarni bajarishi kerak:

- 1) rahbar bo'lib tayinlangan sinf o'quvchilarining shaxsiy varaqlari bilan tanishish;
- 2) o'zlashtirishi past bo'lgan o'quvchilarni aniqlash;
- 3) tarbiyasi og'ir bo'lgan o'quvchilarni aniqlash;
- 4) ota-onasi bo'lmagan, qarindosh urug'larining qaramog'idagi o'quvchilarni aniqlash;
- 5) sinf o'quvchilari uy sharoitlari bilan tanishish.

Sinf rahbarning asosiy vazifasi o'quvchilarga tarbiya berish va ularni do'stona jamoa qilib jipslashtirishdan iborat. Bundan tashqar o'z sinfdagi o'quv ishlarni olib borish, o'quvchilarini har tomonlama barkamol shaxs qilib tarbiyalash, o'quvchilarni o'zlashtirmaslik sabablarini aniqlash va buni bartaraf etish, o'quvchilarning oilasi, bilan tanishish ham uning zimmasiga yuklanadi.

Bundan, tashqari nizomga ko'ra sinf rahbarning faoliyat yo'nalishidagi ish turlarga bo'linadi. Bular:

- Sinf rahbar vazifalari: 1. Sinf rahbari bolalarni yaqin do'sti va mehribon ustoz bo'lishi.
2. O'quvchilarni tarbiyalangan darajasini bilish.
3. O'quvchilarni milliy istiqloq g'oyasi asosida tarbiyalash.